

## Хужжат имзоланган:

сана: 2022.09.14 17:05:02  
серия раками: 77c9fe11  
компания: SHAMS IMKON BIZNES MCHJ  
СТИР: 304313904  
фиши: XUSENBAYEV BAXRAM  
email: [\[REDACTED\]](#)

сана: 2022.09.15 10:00:37  
серия раками: 7782dbcb  
компания: OOO XORAZM PITNAK PLAST  
СТИР: 302667473  
фиши: АБДИРИМОВ ИНОМЖОН  
email: [\[REDACTED\]](#)



**11ED34256D175B46B8EE1E0008000075**

электрон хужжат идентификатори

## ХУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ ПРОТОКОЛИ

Етказиб берувчи	"SHAMS IMKON BIZNES" MCHJ	Сотиб олувчи:	"XORAZM PITNAK PLAST" MCHJ
СТИР	304313904	СТИР	302667473
Манзил	NIYOZBEK YO`LI KO`CHASI, 27-UY	Манзил	Питнак шахар

## Хужжат ҳақида маълумот

Хужжат номи	Договор
Хужжат рақами ва санаси	№ 05-09-22 дан 14.09.2022
Шартномага	№ 05-09-22 дан 14.09.2022

## **ШАРТНОМА №05-09-22**

Питнак шахри

«14» сентябрь 2022 йил.

Ўз Низоми асосида фаолият юритувчи ва «Xorazm Pitnak Plast» масъулияти чекланган жамияти директори в.б. Абдиримов И.У. бундан бўён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи бир томондан ва «Shams Imkon Biznes » МСНН Низом асосида иш юритувчи жамият раҳбари Хусенбаев Б.Х. келгусида «Етказиб берувчи» деб аталувчи иккинчи томондан қўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

### **1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ.**

- 1.1. Етказиб берувчи ушбу Шартномадаги 1.2 бандидага мувофиқ маҳсулотларининг, бундун кейин “маҳсулот” деб аталади, топшириши ва Буюртмачи қабул қилиши мажбуриятини олади.
- 1.2. Ассортимент ва бирлик нархлари. (сўм)

№	Номи (Намуна)	Үл. бир.	Микдори	Нархи (15% ҚҚС билан)	Жами суммаси ҚҚС билан
	Киши махсус кийим(куртка)	дона	70	250 000	17 500 000
<b>Жами:</b>					<b>17 500 000</b>

Шартноманинг тахминий баҳоси: Ун етти миллион беш юз минг сўмни ташкил қиласди.

### **2. ШАРТНОМА КИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 2.1. Хисоб китоб «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 2.2. Шартнома томонлар имзолаб, кучга киргандан сўнг, «Буюртмачи» ўзмаблағлари хисобидан ёки банк кредитлари хисобидан олдиндан 7 банк кунидан кечиктирмай шартнома суммасининг 15% микдорида, “маҳсулот” етказиб берилгандан кейин 7 банк кунидан кечиктирмай 100 % тўловни амалга оширади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

#### **3.1 «Етказиб берувчи» қўйидаги ҳукуқларга эга .**

- Етказиб берилган товар маҳсулотига олдиндан хақ тўланишини ва тегишли қонун харакатларида белгилangan тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб қилишни «Буюртмачи»дан талаб қилиш;
- Берилган буюртмага мувофиқ етказиб берилган товар маҳсулотини қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини «Буюртмачи» дан талаб қилиш.

#### **3.2. «Етказиб берувчи» қўйидагиларга мажбур:**

- «Етказиб берувчи» мазкур шартномадаги нархларда маҳсулотларни «Буюртмачи» га сотади
- Агар товар маҳсулотини етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса «Буюртмачи»нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3-кун муддатда бепул бартараф этиш, алмаштириш.

#### **3.3. «Буюртмачи»нинг ҳукуқлари:**

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома асосида бериладиган буюртмага мувофиқ тегишли ассортиментдаги маҳсулотларни сифатли етказиб берилишини талаб қилиш.
- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш.

#### **3.4. «Буюртмачи» мажбуриятлари:**

- Ўз буюртмаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш.

### **4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятларни бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгилangan холлар бундан мустасно.

4.3. «Буюртмачи» нинг розилиги билан маҳсулотлар муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

4.4. «Буюртмачи» муддатлари бузилган холда етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилишни рад этишга хақли.

4.5. Етказиб берилган маҳсулотлар бевосита «Буюртмачи»нинг маъсул ходими томонидан хисоб фактура асосида қабул қилинади.

4.6. Мазкур шартномада назарда тутилган маҳсулот таъминоти бевосита «Буюртмачи»нинг буюртмасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

4.7. «Буюртмачи» илгари берилган буюртма номани бекор қилишга ёхуд маҳсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хақлидир, бу хақда «Етказиб берувчи»ни буюртманомасида кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 – кун олдин хабардор қиласи.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

4.1. «Буюртмачи» шартноманинг шартларини ва ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда, булар оқибатида «Етказиб берувчи»га келтирилган заарлар ўрнини тўлиқ қоплаши шарт.

4.2. «Буюртмачи» шартноманинг амал қилиш муддати давомида шартноманинг 1.3. бандида кўрсатилган миқдорига шартномада белгиланган муддат оралиғида, тўлиқ тўловларни амалга оширмаса ҳамда ўз вақтида ўзига ажратилган маҳсулотни корхона худудидан олиб чиқиб кетмаса, маҳсулот баҳосидан, ҳар бир кечикирилган кун учун «Етказиб берувчи»га 0,4% миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида тўланмаган қийматининг 50% дан ортиб кетмаслиги лозим.

4.3. Шартнома шартларини бузган тарафга қўлланилган жазо ва фоизлар, уни шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришидан озод қилмайди.

#### **5. ФОРС-МАЖОР.**

5.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатлар (сув тошкини, ёнгин, зилзила ва бошқа табиий оғатлар, ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек, тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатса ва бу туфайли мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, тарафлар жавобгарликдан озод қилинадилар. Қайси тараф учун форс-мажор ҳолати содир бўлса, ушбу ҳолат ҳақида иккинчи тарафни ёзма равища огоҳлантириши шарт.

5.2. Агар, фавқулодта ҳолатлар кўп вақт мобайнида давом этса, тарафлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан воз кечиш хуқуқига эгадир.

5.3. Тарафлардан ҳеч бири форс-мажор ҳолатида вужудга келган заарларни қоплашни талаб қилиш хуқуқига эга эмас.

#### **6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

6.1. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган заарларни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг келишувига биноан ёзма равища ҳал қилинади. Агар, низоларни тарафлар ёзма равища ҳал қилиша олмаса, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Андижон туманлараро Иктиносидий Суди орқали ҳал қилинади.

#### **7. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР.**

7.1. Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиниши ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, фақат икки томонлама келишув орқали амалга оширилади. Агар, тарафлар келишувига эриша олмасалар суд орқали бекор қилинади.

7.2. Шартномага киритилаётган ҳар қанақа ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат икки томонлама ёзма равищдаги келишувига орқали амалга оширилиб, тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг кучга киради.

7.3. Барча хабарлар, ахборотлар, таклифлар, тушунмовчиликлар ҳақида, норозиликлар, огоҳлантиришлар, хоҳиш ва истаклар тарафларга ёзма равища амалга оширилиши шарт.

7.4. Тарафлардан ҳеч бирининг мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятларни учинчи бир шахсга ўтказишга ваколати йўқ.

7.5. Ушбу шартнома ўзбек тилида, тенг хуқуқий кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, бир нусхаси «Етказиб берувчи»да, иккинчиси «Буюртмачи»да сақланади.

7.6. Шартнома тарафлар имзолагандан сўнг кучга киради ва ушбу санадан бошлаб 31.12.2021 йилгача амал қиласи.

7.7. Шартноманинг муддатидан олдин бекор қилиниши ҳар икки тарафни шартноманинг амалдаги даври мобайнида юзага келган қарздорлик ва мажбуриятлардан озод этмайди.

#### **8. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.**

**«Буюртмачи»:  
«Xorazm Pitnak Plast»**

**Масъулияти чекланган жамияти**  
Хоразм вил., Тупрокқалъа туман,  
Хазорасп қўч, 1 уй  
x/p: 2020 8000 2002 4420 1001,  
АТБ «Хамкорбанк» Хазорасп филиали  
МФО: 01162.  
ИИН: 302667473, ОКЭД : 29320,

Директор: \_\_\_\_\_ И.У.Абдиримов  
**М.У.**

**«Етказиб берувчи»:**

«Shams Imkon Biznes»

**Масъулияти чекланган жамияти**  
Тошкент шахри, Юнусобод тумани  
Ниезбек йули қучаси 27-уй  
x/p: 2020 8000 8006 6558 3001  
АТБ «Ипотека Банк» Юнусобод ф-ли  
МФО: 00837  
ИИН: 304313904 ОКЭД: 15200

Директор: \_\_\_\_\_ Хусенбаев Б.Х.  
**М.У.**